

Фарқли тақвим ва имсокиялар

1-савол: Намоз вақтлари тақвимлари ва рамазон имсокиялари нима учун бири-бирдан фарқ қилади? Нима учун барчаси бирдек эмас?

Фарқли тақвим ва имсокиялар

Жавоб: 1983 йилдан аввал ер юзидаги мавжуд бутун тақвимларда намоз вақтлари бирдай эди. Лекин 1983 йили намоз ва рўза вақтлари ўзгартирилди. 1982 ва ундан олдинги йилларнинг қайси бирига қарасак ҳам бутун тақвимларда тўғри имсоқ (фажр) ва намоз вақтлари берилган. 1983 йилдан бошлаб эса, тўғри вақтларга оид ҳисоб-китобнинг усул ва қоидалари тарк этилди.

Тақвимлар орасидаги тафовутнинг сабаби иккита:

Биринчиси: Илмий, астрономик заруратига биноан вақтларнинг ҳисобига мутлақо кўшилиши керак бўлган **Тамкин мўддатининг** баъзи вақтлардан бутунлай олиб ташланиши, баъзи вақтлардан эса, камайтириб ишлатилишидир.

Иккинчиси: Имсоқ вақти ҳисобларида **қуёшнинг уфқ остидаги баландлик даражаси** бўлган иртифоънинг (-19) даражадан (-18) даражага камайтирилиб, қуёшнинг уфққа яқинлаштирилишидир.

Қуйидаги изоҳлар Мовароуннаҳр сингари йилнинг ҳар кунида, ҳар бир вақти тўлиқ кирадиган минтақаларга тегишли:

Маълумки нисбатан узоқроқ умр кўрган мусулмон давлатлардан Бобурий ва Усманий давлатлари илмий ва диний меросдан бошқаларга нисбатан кўпроқ ва яхшироқ сақлаб қолгани сир эмас. Лекин охириги асрда деярли барча мусулмон халқларнинг мустамлакага айланиши ибодат тақвимларига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмаган. Шундай бўлишига қарамай 1983 йилгача мустамлакадан аввалги йиллардан қолган илмий меросга асосланган тўғри тақвимлар чоп этиларди. Масалан 1983 йилгача Туркияда тамкин вақтини ҳеч ким ўзгартирмаган, бутун олимлар, авлиёлар, шайхулисломлар, муфтийлар, бутун мусулмонлар асрлар давомида намозларини шу шаръий вақтларда ўқиб, рўзаларини ҳам мана шу шаръий вақтларда бошлаганлар. Ҳозир ҳам ҳар бир мусулмоннинг ушбу ижмои муслиминдан (мусулмонлар иттифоқидан) ажралмаслиги лозим.

Дин ишларида ислом олимлари ва ислом астроном мутахассислари тасдиқлаган рўза ва намоз вақтларидан фойдаланиш керак.

Тасдиқ этилган бу вақтлар ҳақида 1926 йилги **“Тақвими Зиё”** да айтиладики: **“Ушбу тақвим Диёнат ишлари Раёсати хайъати мушовараси тарафидан тадқиқ этилиб, раёсати жалиланинг тасдиқи билан чоп этилган.”**

Рўза ва намоз вақтларини Усманий олимларининг энг баланд мақоми бўлган **“Машиҳат-и исломия”** тайёрлаган 1334 (м.1916) йилининг **“Илмия солномаси”** номли тақвимдан ва Истанбул университети Қандилли расадхонасининг 1958 йилги ва 14-сонли **“Туркияга махсус авқот-и шаръия”** китобидан олиб чоп этилган тўғри тақвимларга амал қилиш керак.

1982 ва аввалги йилларда тақвимларда берилган имсоқ (фажр) вақтлари учун татбиқ қилинган ва **(-19)** даража бўлган қуёшнинг уфққа нисбатан баландлик бурчаги, 1983 йилдан эътиборан баъзи тақвимларда ислом олимлари ҳамда ислом астроном

мутахассисларининг иттифоқ билан билдирган *“Тонг ёришишининг шарқдаги уфқ чизигида бир нуқта ҳолида кўриниши”* деб эмас, европаликларнинг *“ёришишининг уфқ бўйлаб ёйилиши”* деган таърифлари бўйича берилган фажр вақтига оид баландлик, яъни иртифоъи (-18) даража деб олинган. Бунинг натижасида, ҳам куёшнинг уфқ остидаги баландлигини (-18) даража деб олиш орқали, ҳамда тамкин муддатини умуман олиб ташлаш орқали имсоқ-фажр вақтида тахминан (Ўрта Осиё каби координатаси 36-42 даража орасида жойлашган ўлкаларда) 15-20 дақиқача фарқлар пайдо бўлди. Яъни аҳоли рўза тутишга Туркистон минтақасида ҳақиқий фажри содиқдан (имсоқ вақтидан) тахминан 15-20 дақиқа ўтиб кетгач бошламоқда, сахарда 15-20 дақиқа ортиқроқ еб-ичишда давом этмоқда ва тутилган рўзалар ҳам фосид бўлмоқда. Бундай нотўғри вақтларга асосланиб тутилган рўзалар фосид бўлганлиги учун уларнинг қазолари тутилиши керак.

Ислом астрономия олими Аҳмад Зиё бек (вафоти х.1355й.) имсоқ ҳақида **“Рубъ-и доиранинг суврат-и истеъмоли”** китобида айтадики: **“Европаликлар фажри содиқнинг боши сифатида уфқда пайдо бўлган тонгги оқаришнинг уфқ бўйлаб бутунлай ёйилган вақтини қабул қилишган. Шунинг учун фажр ҳисобларида куёшнинг (баландлигини) иртифоъини -18 даража деб олишган. Биз эса, уфқда оқликнинг илк кўринган пайтини фажри содиқ деб олганмиз. Шу боис ҳар доим фажр вақти сифатида куёшнинг уфққа нисбатан -19 даражага келган иртифоъ (баландлик) вақтини оламиз. Чунки ислом олимлари имсоқ ёки фажр вақтини, тонг ёришишининг уфқи зоҳирий бўйлаб ёйилган пайти эмас, балки УФҚ УЗРА ИЛК КЎРИЛГАН ВАҚТИ эканлигини таъкидлаганлар.”**

Яъни куёш уфқи зоҳирий (кўриниб турган уфқ) чизигига -19 даража яқинлашганда имсоқ ёки фажр вақти бошланади. Фатво шундай. Мужтаҳид бўлмаганларнинг бу фатвони ўзгартиришга асло ҳақлари йўқ. Фатвога мос келмайдиган ибодатлар эса, саҳиҳ бўлмайди.

Ислом олимлари асрлардан бери фажр иртифоъининг -19 даража эканлигини ҳисоблаб чиқаришган ва шундай қабул қилишган, бошқа рақамларнинг хато эканлигини билдиришган. Европаликлар тонг оқаришининг дастлабки нуқтасини эмас, кейинги уфқ бўйлаб ёйилишига “фажр” ёки “тонг” дейишади. Бу фажрнинг иртифоъи -18 даража дейишади. Мусулмонларнинг дин ишларида христианлар ва мазҳабсизларга эмас, ислом олимларига тобе бўлишлари керак.

Нотўғри вақтлар берилган тақвимлар ва сайтларда фақатгина тамкин вақти эмас, имсоқ (фажр) вақтларининг ҳисобида куёшнинг уфқ остидаги баландлик бурчаги ҳам юқорида билдирилганидек, илмий асос ва далиллардан бутунлай маҳрум қилинган ҳолда, (-19) даражадан (-18) даражага ўзгартирилиб, куёш уфққа яқинлаштирилган.

Ваҳоланки Истанбул университети Қандилли расадхонасининг 08.07.1992 санасидаги 1354-сонли ёзуви билан имсоқ ва хуфтон вақтларида куёшнинг уфқ остидаги баландлик даражаларининг ҳамда тамкин муддатининг 1400 йилдан бери татбиқ қилинаётгани, яъни Хуфтон (шафак) вақти куёш уфқ остида “-17” даража, Имсоқ (фажр) вақти эса, “-19” даража шаклида бўлиши кераклиги таъкидланиб, тамкин муддати ҳақида куйидагилар ёзилган:

“Олиб борилган ҳисоблар бўйича, бу миқдор (тамкин) муайян бир расад (кузатиш) жойи учун турли саналарда 8-10 дақиқа орасида ўзгармоқда. Шунинг учун умуман тамкин миқдорининг 10 дақиқа деб қабул қилиниши ва бу миқдор тушдан аввалги вақтлардан айрилиши, тушдан кейинги вақтларга қўшилиши одат ҳолини олган”.

Ислом астрономия мутахассиси бўлган Аҳмад Зиё бекнинг милодий 1926, қамарий 1344 ва шамсий 1305 йилги **“Тақвими Зиё”** чўнтақ тақвимининг илк ва сўнгги саҳифаларида **“Диёнат ишлари раёсати хайъати мушовараси тарафидан тадқиқ**

этилиб, раёсат-и жалиланинг тасдиқи билан чоп этилган” деб ёзилган. Дин ишларида ислом олимлари ва астрономлари тасдиқлаган намоз вақтларини ўзгартирмаслик лозим. Олмалиқли Ҳамдий бек Ёзир **“Сабил-ур-рашод”** мажмуасининг 22-жилдида бу борада батафсил маълумот берган.

2-савол: Ибодатларнинг қабул бўлиши учун тўғри вақтларда бажарилиши шарт эканлигини биламиз. Вақтлари ҳар хил берилган тақвимлар ва рамазон имсокиялари (жадваллари)дан қайси бирига ишониб, қандай фойдаланишимиз керак?

Жавоб: Албатта, рўза ва намозларимизни тўғри вақтларда адо этишимиз керак. Чунки тўғрилигига ҳеч шубҳа бўлмаган вақтлардан аввал ўқилган намозлар саҳиҳ бўлмайди ҳам-да катта гуноҳ бўлади. Ибн Нужайм Зайн-ул-Обидин **“Кабоир ва сағоир”** китобида айтадики: “Фарз намозларни [нотўғри вақтлар берилган тақвимлар бўйича] вақти кирмасдан аввал ўқиш ҳамда вақти чиқиб кетгандан кейин ўқиш катта гуноҳ бўлади.”

Исмлари ва асарлари том-том китобларни ташкил қилган ислом астрономия олимлари, ислом олимларининг носс (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) билан билдирган кўк юзидаги намоз вақтларига тегишли аломатларга мос ҳисобсиз расадлар (кузатишлар), нозик ва ҳассос ҳисоблар ёрдамида қўлга киритган маълумот ва хулосаларнинг барчасини бебаҳо асарлари орқали бизга мерос сифатида қолдириб, омонат қилишган. Шу қийматли китобларда намоз ва рўза вақтларини тайинлаб, аниқлашнинг ҳисоб усуллари билан қоидаларини билдиришган. Бу усул ва қоидалар асрлар давомида ишлатилиб келган. Ҳисоб ва усулларида тараддудга, шубҳага ўрин қолдиришмаган. Ҳозир ҳам тўғри вақтлар берилган тақвимларда ва интернет сайтларида ўша усул ва қоидалар бўйича намоз ва рўза вақтлари ҳисоб қилиниб, эълон қилинмоқда.

Рўза ва намоз вақтлари тафовут қилиб, бир неча хилда берилган пайтларда энг тўғри вақтларга қараб ибодат қилишимиз зарурлиги ислом олимлари буюрган энг шубҳасиз қоида ва энг шубҳасиз ҳукмдир. Лекин тўғри битта бўлади. Ўлчови эса, европаликлар эмас, балки ислом олимлари қўйган усул ва қоидалардир. Бу усул ва қоидаларга мос ҳисоб-китоблар қилинганда айна натижаларнинг чиқиши илмий ҳақиқатдир. Буларга изчиллик билан амал қилиниб, шахсий мулоҳазаларга чалғимамай қилинган ҳисобларнинг тўғри бўлиши ва баъзи тўғри асосларни келтириб, лекин шу асосларга зид равишда шахсий қараш, фикр, тушунча, қаноатларга суяниб қилинадиган ҳисобларнинг нотўғри чиқиши барчамизга маълум.

Намознинг саҳиҳ бўлиши учун уни вақтида ўқимоқ ҳам-да вақтида ўқиганини билмоқ, шубҳа қилмаслик лозим ва фарздир. Ибн Обидин **“Радд-ул-мухтор”** асарининг ҳижрий 1307 йилги Матбаа-и омира нашрининг 342-саҳифасида ва бунинг Аҳмад Довудўғли томонидан туркчага қилинган таржимасининг 2-жилд 40-саҳифасида ҳамда **“Фатҳ-ул-қодир”**да бир фикр қоидаси ёзилган: *“Намознинг саҳиҳ бўлиши учун вақти киргандан кейин ўқилиши ва вақтида ўқиганини билиши шарт. Вақтнинг кирганига шубҳа қилиб ўқиса, кейин ўз вақтида ўқиганини билса, бу намози саҳиҳ бўлмайди.”* Ибн Обидин шуни келтириб **“Бу “Нур-ил-изоҳ”** ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. **“ал-Ашбоҳ”** китобининг ният баҳсида ҳам шундай дейилган” деб ёзган. Бундан ташқари Шофеъий **“ал-Анвар”** ва Моликий **“ал-Муқаддама-тул-иззия”** шарҳида ҳамда **“Мезон-ул-кубро”**да ҳам шундай ёзилган.

Интернет саҳифаларимиз ва турли тилларда чиқётган “Туркистон тақвими”мизда берилган барча намоз вақтлари тўрт ҳақ мазҳабнинг намоз вақтларидир.

а) Ҳанафий мазҳаби билан бошқа уч мазҳаб орасида фақатгина аср ва хуфтон намози вақтларида фарқ бор. Бу фарқ ҳам фақат имоми Аъзам (раҳматуллоҳи таоло алайҳ) ҳазратларининг ижтиҳодлари туфайлидир. Имоми Аъзам, Аср ва Хуфтон намозларини иккинчи вақт бўлган Аср-и соний ва Ишаа-и сонийда ўқиш кераклигини ижтиҳод қилганлар. Шунга биноан Ҳанафий мазҳабида Зухр (Пешин) вақти Аср-и аввалгача, яъни муайян бир нарсанинг сояси ҳақиқий завол (қоқ туш) вақтидаги узунлигидан ўз бўйига тенглашгунга қадар ёхуд Аср-и сонийгача, яъни жисмининг сояси ўз бўйининг икки баробарига тенглашгунга қадар давом этади. Биринчиси икки имом (имом Абу Юсуф ва имоми Муҳаммад) ва қолган уч мазҳаб қавли бўйича, иккинчиси эса, имоми Аъзам қавли бўйичадир. Бизнинг тақвимимизда берилган вақтларнинг барчаси биринчиси бўйича, яъни икки имом ва уч мазҳабга кўра ҳисоблангани учун 4 ҳақ мазҳабнинг вақтларидир.

б) “Хуфтон намозининг вақти” имомайн наздида Ишаа-и аввалдан, яъни ғарбдаги зоҳирий уфқ (кўриниб турган уфқ) чизиғи устида қизғиш шафақ йўқолганидан кейин бошланади. Имоми Аъзам наздида Ишаа-и сонийдан, яъни уфқ-и зоҳирий чизиғи устида қизғиш шафақдан кейинги оқимтирлик йўқолганидан кейин бошланади.

в) Яна Ҳанафий мазҳабининг имомлари бўлган имоми Абу Юсуф ва имоми Муҳаммад ҳазратлари Аср ва Хуфтон намози вақтлари дохил барча намозлар учун нариги уч мазҳаб билан бир хил вақтларни билдирганлар. Биз ҳам бутун намоз вақтларини ҳисоблашда Ҳанафий мазҳабининг шу икки имоми кўрсатган вақтларни топганимиз учун тўрт мазҳабга мос вақтларни бериб бормоқдамиз.

г) Яъни, хоҳ интернетдаги www.namazvakti.com билан www.turkistantaqvimi.kz адресидаги веб саҳифаларимизда, хоҳ “Туркистон Тақвими” номли девор тақвимимизда берилаётган, Вақт ҳисоблаш ҳайъатимиз тарафидан ҳисоблаб чиқарилган барча намоз вақтлари - тўрт ҳақ мазҳабнинг намоз вақтларидир. Ушбу намоз вақтларидан Ҳанафий, Шофеъий, Моликий ва Ханбаллий мазҳабларига мансуб мусулмонларнинг барчаси фойдаланиши керак.

Турли имсоқ ва намоз вақтларини чоп этаётган тақвим ва сайт раҳбариятининг манбалари агар биз айтган аҳли суннат олимлари ва ислом астрономларининг китоблари бўлса, ҳеч қандай масала бўлмайди ва намоз вақтлари ҳам бир-бирига мос келади. Лекин агар **намоз вақтлари бир-бирига тўғри келмаса ва ораларида фарқлар бўлса, булардан фақат биттасининг тўғри эканлиги маълум бўлади.** Биз ўзимиз чоп этаётган вақтларнинг тўғри эканлигини манбасини, ислом олимлари билан астрономларининг исмларини, асар номларини, баъзан жилд ва саҳифа рақамларигача кўрсатиб билдирмоқдамиз. Буларнинг ўз шахсий қараш, ўй-фикр, мулоҳазаларимизга суяниб, ўзимизча қилган ҳисоблар эмаслигини таъкидлаяпмиз. Асри саодатдан бугунгача 1400 йилдан ошиқроқ даврда АҲЛИ СУННАТ ОЛИМЛАРИнинг буюрганларини ва ислом астрономларининг асарларида кўрсатган УСУЛ ва ҚОИДАЛАРИни ҳеч ўзгартирмасдан АЙНАН татбиқ этмоқдамиз. Агар ушбу олимларнинг айтганларига амал қилинса, ихтилофлар бартараф қилиниб, “ҲАҚДА БИРЛИК” таъминланган бўлади.

3-савол: Халқ юзлашаётган қийинчилик ва эҳтиёжларни эътиборга олиб, вақтларни ўзгартирса бўладими?

Жавоб: Баъзи тақвимларда “*минтақалардаги аҳолининг муаммосини ҳал қилиш ва халқимизнинг ибодат қилишини қулайлаштириш мақсадида... енгиллик киритишга...* (вақт ва пайт аниқ киришига қарамай) **қарор қилинди**” деб, ислом олимлари ва астрономларининг ҳеч бир асарида билдирилмаган йўсинда, ўзларича **енгиллик киритиш** баҳонасида, ҳақиқий фажр (имсоқ) ва хуфтон вақтларини олиб ташлаш йўли билан мусулмонларнинг намоз ва рўза ибодатлари фасод қилинмоқда.

Ибодатлар замонга ва одатларга мослаштирилмайди. Аксинча замон ва урф-одатларни исломиятга мослаштириш лозим. Бу эса жуда қулай.

Ҳаромлар на қадар яхши ният билан қилинса да ҳалол бўлмаганидек “... *ерларда яшайдиган ишчи, ўқувчи, маъмур, сотувчи каби ҳар қатлам юртдошимиз дуч келаётган қийинчилик ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб...*” деб, одамларга енгиллик қилиш баҳонасида, ҳар куни ўз пайти-соатида мунтазам равишда бошланиб, давом этаётган ҳақиқий хуфтон намози билан рўза тутишни бошлаш вақтларини қатъиян ўзгартириб бўлмайди.

Ибодатларнинг саҳиҳ бўлиш ё бўлмаслиги шартларининг қанчалик бажо келтирилганига боғлиқ. Ҳаққоний тўғри вақтларига риоя қилиш эса, ҳам рўзанинг, ҳам намознинг шарти ва фарзидир. Бу носс (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) билан ҳам собитланган, маҳкамланган. **Намозларни вақтларидан аввал ва кейин ўқиш ҳаром. Вақтидан аввал ёки кейин қилинган бундай ибодатлар фосид (бекор) бўлади.**

Баъзи мусулмон ва номусулмон ўлкаларда чоп этилаётган Исломиё девор тақвимларининг дастлабки бетларида берилган “**ЭСЛАТМА**” бўлимида “*Аллоҳ “Шубҳасиз намоз ўз вақти билан фарз қилинди” деган. (Нисо, 4/103)*” деб ёзилиб орқасидан “*Шу сабабли намозларни ўз вақтидан аввал ўқиш жоиз бўлмаганидек, вақтидан кейинга қолдириш ҳам жоиз эмас*” қабалида ифодалар билан носсга асосланиб, вақтидан аввал ва кейин намоз ўқишнинг жоиз эмаслигини билдиришган. Шунга қарамай, “киритган енгилликлари” носс билан билдирилган ушбу ҳукмларнинг барчасига зид. Намоз ва рўза ибодатининг сихҳатини кўрсатувчи шартлардан ва фарзлардан энг муҳими “**ВАҚТ**” шарти киритилган енгилликлар туфайли ўзгариб, бузилгани учун ибодатлар асло саҳиҳ бўлмайди.

“**Дурар-ул-ҳукком**” шарҳида айтиладики: “Замоннинг ўзгариши билан урф-одатларга асосланган аҳком ўзгариши мумкин. Лекин носсга, далилга асосланган аҳком замон ўтиши билан ўзгармайди.” Казо “**Мажалла**”нинг 39-моддасида ва шарҳида айтадики: “Аҳком замон ўтиши билан ўзгаради. Урф-одатларга боғлиқ бўлган аҳком ўзгаради. Носсдан чиқарилган аҳком ўзгармайди.” **Намоз вақтлари урф-одат билан эмас, носс** (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) **билан собитдир. Шунинг учун уни асло ўзгартириб бўлмайди.**

“Динда машаққат йўқ, қулайлик бор” деган сўзни шиор қилиб юрувчилар шу баҳона билан бир қанча фарзларни тарк этишмоқда. Бу сўзнинг тўғриси “Аллоҳ таолонинг барча буйруқларини бажариш осон. У қийин нарса амр этмаган”дир. Йўқса, ушбу сўзнинг маъноси имони заифлар айтгандек, “Нафсга оғир келадиган ишларни Аллоҳ кечиради, ҳар ким ўзига осон бўлганини қилиши керак, У меҳрибон, барчасини қабул қилади” дегани эмас.

Вақти тўлиқ кирадиган минтақаларда Хуфтон вақтининг кечроқ, имсоқ (фажр) вақтининг эртароқ бошланиши сабабли қийинчилик туғилиши хусусида ислом олимлари буюрган ҳукмлар ибодатларни бемалол, бамайлихотир, ўз кайфи бўйича ўзгартиришлари учун эмас, диндаги қулайликлардан фойдаланишлари учундир. “Динда хараж, зўрлик

бўлмайди” деганларининг маъноси ҳам шу. Яъни Аллоҳу таоло осон ишларни амр этган, деганидир. Бўлмаса **“Ҳамма ўзига ёққанини қилсин, нафсига оғир келадиган ишларни қилмасин”** дегани эмас.

Инсонларнинг ибодат қилаётганда ишлари туфайли дуч келган қийинчиликлари ва ташвишлари ўша ибодатнинг шаън ва шарафини орттирмоқда. Ундай ишларда ишлаш, дам олиш, уйку ва уй эҳтиёжларини таъминлаш каби турмуш тақозолари соатлар билан тартибга солинади. **Бунда намоз вақтлари асос қилиб олиниш керак.** Буни қилиш бир томондан жуда қулай, иккинчи томондан қуйида ёзганимиздек жуда қийматли иш. Мусулмонлар барча ибодатларини ислом олимлари буюргандек бажаришга мукаллафдир. Яъни ҳар бир ибодатни, ислом олимлари қандай кўрсатган ва айтиб тушунтирган бўлса, худди шундай бажо келтиришдан жавобгардир.

Аҳкоми исломияга тобе бўлганлар латиф жавоҳир ва қийматли олмослар билан шуғулланадиган заргарларга ўхшайди. Буларнинг иши оз, лекин топишлари кўп. Баъзан бир соатлик ишлари юз минглаб йилларнинг фойдасини ҳосил қилади. Бунинг сабаби шуки, аҳкоми исломияга мос бўлган амал Ҳақ таолонинг мақбулидир.

ТУРКИСТОН ТАҚВИМИ
ВАҚТ ҲИСОБЛАШ ҲАЙЪАТИ ИДОРАСИ
e-mail: ttaqvim@gmail.com